



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 20 май, № 98 (6533)

Жума

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Корея Республикаси
Бош вазири:

«Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти бизни қувонтиради»

Илгари хабар берилганидек, айни кунларда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг мамлакатимизга расмий ташрифи бўлиб ўтмоқда. Ўз ташрифи арафасида Жанубий Корея ҳукуматининг раҳбари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб қайтарди.



— Жаноб Бош вазир, Сиз Ўзбекистонга расмий ташрифингиз давомида бўлиб ўтадиган музокара ва учрашувлардан нималарни кутаётирсиз ҳамда Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Мен Буюк Ипак йўлининг юраги ҳисобланганидан ва бугунги кунда Марказий Осиёнинг транспорт-логистика хаби сифатида яна ўзини намойён этаётган ажойиб мамлакатнинг бўлишидан жуда мамнунман.

Ташриф дастурида Қорақалпоғистондаги Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши тугалланиши ҳамда Тошкентда Корея маданияти ва санъати уйи барпо этилишининг бошланиши маросимларида иштирок этиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар давлатларимиз раҳбарларининг катта жонбозликлари ҳамда қўллаб-қувватлашлари тўғрисида муваффақиятли воқеликка айланган ва улар икки мамлакат ўртасидаги мустақам дўстлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан бундан ўтган давр оралиғида олий даражада 14 та учрашув

бўлиб ўтди. Турли йўналишларда яқин стратегик шериклик ўрнатилди ва мустақамланмоқда. Шу давр мобайнида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 500 баробардан зиёд бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Корея Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик савдо шериги ҳисобланади, мамлакатимиз эса Ўзбекистоннинг сармоявий шериклари рўйхатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қўриб турганимиздек, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда ва у катта истиқболларга эгадир.

— Ҳозирги пайтда турли соҳалардаги Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма лойиҳалари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Сурғил конида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси улардан бири ҳисобланади. Ушбу мажмуанинг ноёблиги ҳамда икки мамлакат учун аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?

— Мазкур саноат гиганти қурилишининг яқунлашиши маросимида қатнашиш менга катта мамнуният бағишлайди. Уни Жанубий Корея — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлигининг "янги қақиримларни кўрсатадиган устуни" деб аташ мумкин. У ўз қўлаи билан, ҳақиқатан ҳам, мегалоиҳадир: ётқирилган сармоя ҳажми қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Бу лойиҳа ҳамкорлигининг янги модели бўлгани тўғрисида ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг ажойиб намунаси ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан бундан ўтган давр оралиғида олий даражада 14 та учрашув

(Давоми 2-бетда).

Наманган вилояти:

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР



Бош харита — шаҳар ва қишлоқларнинг ихчамлаштирилган чизмаси. Ундан ўрин олган узун-қисқа тасвирлару бошқа шартли белгилар ҳудудлар қиёфаси, мейморий ечими, иқтисодий салоҳиятини акс эттириб туради.

Бирок мамлакатимизнинг кўплаб манзиллари сингари Наманган шаҳрининг бош харитасида ҳам бир пайтлар бундай белгилар саноклигина бўлганини кўпчилик яхши эслайди. Негаки, собиқ тузум давридаги бир ёқлама сиёсат ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар олдида баланд ғов ҳамда тўсиқлар қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Шуқрки, давр, онгу тафаккуримиз ўзгарди. Истиқлол шарофати билан бунёдкор халқимиз яратувчанлик иштиёқини тўла-тўқис намойён этиш, ўз Ватани, қишлоғу маҳалласи, хонадонини обод қилиш имконига эга бўлди. Эзгу ташаббуслар, хайрли юмушлар сари кенг йўл очилди. Ана шундай шароитда юртимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Наманганда ҳам аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

ИСЛОҲОТ

Бевосита Юртбошимиз ташаббуси ва тавсиялари асосида шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бундан саккиз йил аввал қайта ишлаб чиқилган ҳудуднинг бош харитаси эндиликда янги тураржой мавзелари, кенг ва равон кўчалар, қўшимча равишда қурилиши мўлжалланган замонавий ижтимоий инфра-тузилма иншоотларини акс эттирувчи юзлаб белгилар билан тўлдирилган. Аҳамиятли жиҳати, бу жараёнда

давлатимиз раҳбарининг наманганликлар билан учрашувлар чоғида ҳудудни ривожлантириш, уни янада гўзал ва обод масканга айлантириш юзасидан билдирган фикрлари, кўрсатган йўл-йўриқлари бош мезон қилиб олинди. Президентимиз ҳар бир шаҳарнинг ўзига ярашган маркази, бош майдони бўлиши кераклиги, Наманганда уни шундай чиройли ҳамда замона мос қилиб барпо этиш лозимлигини, бу ерга кела-

ётган меҳмонлар ҳам, шаҳар аҳли ҳам унга талпинадиган бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу тавсиялар Наманган шаҳарсозлигида туб бурилиш даврини бошлаб берди. Оппоқ устун устида кўкка парвоз қилиб турган жуфт турна асос қилиб олинган Тинчлик майдони бугун фойзли масканга айланган. Эндиликда ёшларнинг энг қувончли дамлари шу жойда ўтаётди, янги оила қураётган келин-куёвлар бу гўшани зиёрат

қилиб, бахту иқболи, орзу-умидларини тинчлик, хотиржамлик рамзи бўлган турналарнинг сарбаланд парвози билан боғламоқдалар. Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, бошқа кўплаб маданий иншоотлар билан уйғунлашиб кетган яхлит мейморий ансамбль кўринишидаги бош майдон ҳамда унинг атрофидаги яшиллик киши кайфиятига кайфият қўшади.

(Давоми 4-бетда).

ДЕПУТАТЛАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИЛАР

19 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

Депутатлар соғлиқни сақлаш вазири А. Алимовнинг фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитдилар. Мажлисида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифа-

ти янги даражага кўтарилгани, бу эса фуқаролар соғлиғини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги қайд этилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чоратadbirlar аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга ҳамда турмуш даражасини оширишга имкон

беради. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар доимий тарзда такомиллаштириб боришмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар самардорлигини янада оширишнинг муҳим босқичи бўлди.

Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар доимий тарзда такомиллаштириб боришмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар самардорлигини янада оширишнинг муҳим босқичи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети"ни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони миллий ўзлимизни тўқисиди — она тилимиз ҳамда адабиётимиз нуфузини янада ошириш, халқимиз бадий тафаккурини юксалтириш борасидаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқиши билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

Миллат гурури ва ифтихори

Бинобарин, мазкур ҳужжатга мувофиқ фаолияти йўлга қўйилган университет ўзбек тили ва адабиётини ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, чуқур фалсафий дунёқарошни шакллантириш, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бой маънавий меросимизни асрашда муҳим ўрин тутди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир миллатнинг она тили ва адабиёти унинг миллий гурури ҳамда ифтихори ҳисобланади. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ўзбек тилини давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳасида қўллашнинг қонуний асосларини яратиши билан бир қаторда, уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, илмий-ижодий фаолиятда ундан тўлақонли фойдаланиш имконини берди. Шу нуқтаи назардан, Фармонда бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш билан боғлиқ вазифалар, чунончи, ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг эзбек хос бетакор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самардорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан оширишга аҳамият қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда

Шу кунларда республикамиз туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошқоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилиб, муносиб номзодлар сайланиши таъминланмоқда. Бунда, шубҳасиз, мазкур муҳим тадбирга қўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар томонидан пухта ҳозирлик кўрилгани ва юртдошларимизнинг унда фаол қатнашаётгани алоҳида аҳамият касб этаётди.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловида ҳам аҳоли орасида хурмат-эътибор қозонган, кўпчилики эзгу ишларга эргаштира оладиган, энг муҳими, юртимизда амалга

оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини дилдан тушуниб, уларни рўёбга чиқара биладиган фаол ва ташаббускор инсонларнинг сайланишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Пойтахтимиздаги мавжуд

505 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида раис ҳамда унинг маслаҳатчилари кўламли ободонлаштириш асосида бир нечтадан номзодлар кўрсатилган бўлиб, очиқлик-ошқоралик шароитида ўтаётган сайловларда фуқаролар вакиллари уларнинг муносибларига овоз бермоқда. Ҳозирги кунга қадар 217 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайлов демократик тамойиллар асосида, юқори даражада бўлиб ўтди.

Учтепа туманидаги "Шофайзибоб" маҳалла фуқаролар йиғинида 4 минг нафарга яқин

аҳоли истиқомат қилади. Эътиборлиси, кейинги йилларда бу ерда рўёбга чиқарилган кенг кўламли ободонлаштириш тадбирлари боис ҳудуд янада чирой очди. Кўчалар ораста кўринишга эришилди. Шуларга мос равишда маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражаси юксалиб, ҳаёти янада фаровон бўлишига хизмат қилаётди. Маҳалла аҳолиси куни кеча бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам фаол қатнашди. Ху-

сусан, кўчалар ва ҳовлилардан кўрсатилган 85 нафар вакил сайлов ўтадиган жойга барвақт етиб келиб, ўзлари яхши билган ҳамда ишонган номзодни қўллаб овоз беришди.

— Маҳалла аҳолисининг ушбу тадбирга ўта масъулият билан ёндашгани бизда илиқ таассурот қолдирди, — дейди мазкур фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари Раҳматилла Сайидхўжаев. — Хусусан, тўртала номзоднинг ҳам келгуси фаолият дастурига жиддий эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз салоҳиятининг Гёттингендаги намоиши

Германиянинг Гёттинген (Куйи Саксония федерал ери) шаҳрида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси томонидан Георг-Август номидаги Гёттинген университети билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчилари юртимизнинг иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда амалдаги иқтисодий дастурнинг ҳаётга татбиқ қилинишига оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар.



ларидан айримлари билан суҳбатда бўлди.

— Ўзбекистон тақдиротига қизиқиш қанчалик юксак эканини анжуман қатнашчилари сонидан ҳам билиш мумкин, — деди **Гёттинген университети Халқаро маркази вакили Кристина Шмидт**. — Буни катта залда биронта ҳам бўш ўрин қолмагани тасдиқлаб турибди.

Биз бугун нафақат ўзбек маданияти ва анъаналари, балки мамлакатнинг ижтимоий ривожланиши, жумладан,

юртингизда аёллар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани ҳақидаги маълумот, айниқса, менда ёрқин таассурот уйғотди.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш жабҳасидаги ислохотларнинг

натижалари, хусусан, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг кескин пасайгани эътирофга лойиқдир. Ўзбекистондаги умр давомийлиги индексининг ўсиш кўрсаткичлари ҳам жуда яхши.

— Менга тақдирот чоғида намоиш этилган маданий дастур жуда ёқди, — деди **Гёттинген университети талабаси Астрид Яух**. — Маълумки, сайёҳлик салоҳияти нуқтаи назардан Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг энг муҳим мамлакатларидан ҳисобланади. Республикада туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда тарихий-мёморий ёдгорликларни асраб-авайлашга катта аҳамият қаратилаётгани бутун дунёдан, жумладан, Германиядан ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга туртки бериши, шубҳасиз.

Тақдирот маросимидан сўнг яқин вақт ичида Ўзбекистонга боришга, бутун дунёда Шарқ дурдоналари сифатида машҳур бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларни ўз кўзим билан кўришга қарор қилдим.

«Жаҳон» АА.
Берлин



Буюк Британиянинг "Vodafone" телекоммуникация компанияси ўтган молиявий йилда 3 миллиард 818 миллион фунт стерлинг зарар кўрди.

Келажакка умид

Шунга яраша қарзлари ҳам 31 фоиз кўпайиб, 29 миллиард 200 миллион фунт стерлингга етди.

Сабаби, мазкур бренд ўтган ҳисобот даврида мобил тармоқларини модернизацисизлаш учун катта миқдорда харажат қилди. Бундай янгилашлар компаниянинг келгусидаги фаолиятида ижобий натижаларга эришишида қўл келиши кутиляпти.



Сурункали ёмғир оқибати

Шри-Ланкада кузатилган кучли ёмғир туфайли тупроқ кўчиши содир бўлди.

Пойтахт Коломбодан 100 километр Шимоли-Шарқдаги Аранаяка шаҳрида рўй берган ушбу ҳодиса туфайли 36 киши ҳаётдан кўз юмди. Юздан ортиқ одам бедарак йўқолган. Лексин уларнинг омон қолгани даргумонлиги айтилмоқда. Сабаби, тош ва лой оқимлари уй ҳамда бошқа иншоотларни бутунлай босиб қолиб, вайронага айланган.



Жабрланганлар вақтинча яшаш жойларига кўчирилди. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун ҳарбий хизматчилар ва техника воситалари жалб қилинган.

Қайтадан бошламоқчи

Финляндиянинг "Nokia" компанияси ушбу мамлакатдаги яна бир бренд — "HMD" билан ҳамкорликда мобил телефонлар ҳамда планшетлар ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйишга қарор қилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун "Microsoft" корпорациясидан смартфонлар тайёрлашга бўлган ҳуқуқ сотиб олинди ва яқин уч йил ичида 500 миллион долларлик сармоа йўналтирилди.



Дўконлари жозибадор шаҳарлар

Глобал миқёсда машҳур бўлган "JLL" консалтинг компанияси томонидан дўконлари энг жозибадор бўлган шаҳарлар рейтингини эълон қилинди.

Унга кўра, қатор халқаро компаниялар жойлашган ҳамда энг кўп турдаги люкс товарлар сотиладиган Лондон биринчи ўринни эгаллади. Рўйхатдан, шунингдек, Гонконг, Париж, Дубай, Нью-Йорк, Сингапур, Пекин, Шанхай, Ал-Кувейт, Токио каби шаҳарлар жой олди.



Эгасини огоҳлантирувчи чамадон

Хитойнинг "Xiaomi" компанияси томонидан "Bluetooth 4.0" ёрдамида мобил телефонга уланувчи "ақлли" чамадон яратилди.

"90 Minutes Smart Suitcase" номини олган ушбу буюмдаги қурилмалар ўғирлик ёки унинг қўлфини бузишга уриниш бўлаётганда, ўз эгасини огоҳлантиради. Қолаверса, юк ташиш воситасини масофадан туриб бошқариш мумкин. Унинг корпусига алюминий-магний-лий қотишма билан ишлов берилган. Оғирлиги 4,4 килограмм бўлса, ўлчами 550x375x215 миллиметр, ҳажми 31 литрга тенг.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Педагогика, психология ҳамда ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси **Алима ҲОШИМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлариغا чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Шунингдек, тақдирот чоғида мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалга оширилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда она ва бола саломатлиги муҳофазаси билан боғлиқ масалалар давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Анжуман доирасида Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси ҳамда бугунги фаровон ҳаётини акс эттирувчи тақдирот бурчаги ташкил қилиниб, унда ўзбек халқ амали санъати буюмлари, сопол идишлар, тўқимачилик, зардўзлик маҳсулотлари намуналари намоиш этилгани қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири маросим иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатда бўлди.



ФАРМОН ВА ИЖРО

Халқимизнинг қалб кўридан яралган зебу зийнатлар, бири-бирдан бежирим уй-рўзгор буюмлари, энг нозик дидли инсонларни ҳам ҳайратга соладиган сопол ҳамда чинни идишлар, ипак матолар, асрлар ўтса-да, ўз кўрки, таровати, кадр-қимматини йўқотмайдди. Негаки, буларнинг барчаси умрбоқий анъаналаримизнинг узвий давомидир.



Анъаналар ЭЪЗОЗИ

Шу боис ҳозирги кунда мазкур ноёб мероси асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган мактабларни такомиллаштириш мақсадида миллий хунармандчилик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, устало устозлар фаолиятининг янада кенгайтириш имкон яратаетир. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўرғазмасида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шулар алоҳида таъкидланди.

ши учун имкониятлар эшигини кенг очди. Тадбиркорларга имтиёзли шартларда кредитлар берилаётгани ҳам бу борада муҳим омил бўлмоқда. — Аёлларимиз фарзанд тарбияси билан шуғулланиш баробарида, иқтисодий тараққиётга, илм-фан ривожига ҳисса қўшиш орқали ўз иқтидорларини намоиш этишмоқда, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, Самарқанд шаҳрилик миллий либослар устаси Умида Фозилова. — Шу жиҳатдан олиб қаралганда, кўрғазма-савдо хотин-қизларнинг мазкур йўналишларида муваффақиятларини кўрсатиш билан бирга, тажриба орттиришларида катта роль ўйнапти.

Кўрғазмага қўйилган Маргилоннинг камалак нусха атлас адраслари, бекасам, бахмал, Хоразминг ёйма усулида тикилган ва қавилган чопонлари, нимчалар, Бухоро зардўзлик буюмлари, уста-узоқ Марат Ҳодиев қўлида сайқал топган сопол кўғирчоғу ўйинчоқлар, заргарлик ҳамда атторлик маҳсулотлари... Буларнинг барчаси инсондан катта истеъдод, изланувчанлик ва сабрли меҳнатни талаб этади. Ўз-ўзидан аёни, бундай кўрғазма-савдо, ярмаркалар қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, миллий хунармандчилик буюмларимизни жаҳонга кўз-кўз этиш имконини бераётир.

Кўрғазма-савдода 70 нафар хунарманд, бадий беаз усталари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Тадбир доирасида ёшлар учун маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Глобаллашув жараёни ва ёшлар

Пойтахтимизда "Глобаллашув жараёнлари ва ахборот асрида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатлари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Махлуси Қонунчилик палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда депутатлар, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, талаба-ёшлар қатнашди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча им-

кониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этиш кўзда тутилган. Ушбу конференцияда ҳам Давлат дастуридан келиб чиқиб, маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янада бойитиш, таълим-тарбия жараёнлари самардорлигини кучайтириш, навқирон авлоднинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, интернет-да фойдаланиш маданиятини юксалтиришга доир масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари муҳокама этилди.

Шунингдек, "Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда миллий ғоя тарғиботининг ўрни", "Ўзбекистоннинг маънавий стратегияси", "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда сиёсий партияларнинг роли" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Дилмурод СОДИКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Топинамбурдан харидоргир маҳсулот

Қандли диабет хасталиги профилактикаси ва давосига мўлжалланган ушбу неъмат харидорларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Бухоро шаҳридаги мазкур корхонада, шунингдек, таркиби 14 турдаги сабзавотдан иборат яримтайёр таомлар, мева шарбатлари ишлаб чиқарилаётир. Эътиборлиси, мевани қуритиш мосламалари корхонанинг ўзида тайёрланмоқ-

да. Шунингдек, 1 тонна, 100 ҳамда 30 килограмм маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга уч турдаги ускуналарни экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришда молия муассасаси томонидан ажратилган 157 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Корхона ва ташқи олам раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

аёллар учун денгиз тўлқини рангли қишки куртқалар, чарм куртқалар, оқ рангли қўлқоплар, денгиз тўлқини рангли энги узун блузқалар, денгиз тўлқини рангли энги калта блузқалар, оқ рангли энги узун блузқалар, оқ рангли энги калта блузқалар, спорт кроссовқалари, рангли чойшаблар, ёстиқ учун рангли жилдлар, пахмоқ сочиқлар, офицерлар туфлилари.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танлов савдоларида қатнашиш учун тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-49-60. Факс: (0-371) 281-43-73.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилмайдиган очиқ дўхқон савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Янгиер шаҳри СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 январдаги 12-1504/408-сонли, 12-1504/405-сонли ва 2015 йил 28 апрелдаги 12-1506/3522-сонли, 12-1506/3523-сонли ва 12-1506/3525-сонли суд буйруқларига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 32018,49 кв.м., фойдаланиш майдони 33051,40 кв.м. бўлган, «Янгиерўлдинустрия» УКга тегишли бино арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 959 764 231 сўм.

2. Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 12-1501/20733-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдурахмон Жомий маҳалласида жойлашган, «Ховосдонмаҳсулотлари» АЖга тегишли, умумий майдони 600,0 кв.м.дан иборат, қурилиши тугалланмаган бинолар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 492 611 453 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 июнь кунни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 3 июнь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 3-уй, 3-кават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Наманган вилояти:

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари вилоятимиз маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди, — дейди “Нуроний” жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Анваржон Насриддинов. — Бунда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 августдаги “Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шаҳар меъморий ечимини тубдан яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс жойлаштириш ҳамда ривожлантиришни таъминлаш, бу орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш кўзда тутилган мақсад Дастур ижроси вилоят маркази тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тудди. Бугун ана шу эзгу ташаббуслар самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир мавзедда янгилашлар, қолаверса, шаҳар аҳолиси ҳаётидаги ўзгаришларда яққол кўриб турибмиз. Эътиборлиси, бундай чора-тадбирлар ижроси учун барча манба ҳисобидан 324,5 миллиард сўмдан ортқ маблағ йўналтирилди.

Наманганликлар собиқ А. Раҳимов кўчасининг яқин ўртадаги манзарасини яхши эслашади. Унда жойлашган ёғ-мой корхонасидан чиққан ёқимсиз ҳид ва чанг кечаю кундуз ҳавонини ифлослантириб келарди. Шу тўғрисида завод шаҳар ташқарисига кўчирилиб, ўрнида янги тураржой ҳақиси бунёд қилинди. Бу ерда тикланган 8 та кўп қаватли бино-

даги 190 та хонадонда, асосан, ёш оилалар истиқомат қилаяпти. Янги даҳа ахли тақлифи билан бу манзилга Истиклол кўчаси, дея ном берилди.

— Уйларимиз фойдаланишга топширилганидан кўп ўтмай, ёнгинамизда “Баркамол авлод” спорт мажмуаси куриб битказилди, — дейди кўп қаватли уйларнинг биридаги қулай ҳамда шинам хонадонда истиқомат қилаётган оила бошлиғи Алишер Жавҳаров. — 4 гектар майдонни эгаллаган мажмуада минг ўринли стадион, сузми хавзаси, ёнги атлетика ва мини-футбол манежи, бокс, оғир атлетика ҳамда кураш заллари мавжуд бўлиб, уларда ёшлар спортнинг 14 тури билан шугулланишяпти. Жисмоний чиниқиш масканда яратилган шароитга кишининг ҳаваси келади. “Баркамол авлод” мусобақаларининг бундан икки йил аввал вилоятимизда ўтказилган республика босқичи иштирокчилари спортнинг бир неча тури бўйича шу мажмуада бахшландилар, мусобақалар чоғида янгидан-янги иқтидорлар номи кашф этилди.

Дастур доирасида қайта қурилган Алишер Навоий ва Бобур шоҳқўчаларидаги янгилашлардан ҳам кўз қувнади. Айниқса, собиқ маданият саройи реконструкция қилиниб, “Ёшлар маркази”га айланган бўлса, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри биноси, Хотира майдони, Хуррият ва Ибрат кўчалари кесимидаги сайилгоҳ, “Бахт уйи”да олиб борилган бунёдкорлик юмушлари шаҳар чиройига чирой қўшди.

Албатта, ижтимоий соҳадаги ўзгариш ҳамда янгилашларнинг туб замирида иқтисодиёт

ни айтмайсизми?! — дейди тadbirkор Абулхамид Сотволдиев. — Атрофда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг миқёси шу қадар кенги, қараб туриб, ғайратинг тошади, беихтиёр эзгу юмушларнинг иштирокчисига айланиб, дилингда янги гоёлар туғилади. Тўрақўрган ҳамда Гирвонсой кўчалари ҳам ана шундай саёй-ҳаракатлар натижасида бутунлай янгиланди. Транспорт қатнови учун анча торлик қилиб қолган, ён-атрофи эски бинолардан иборат бўлган бу ҳудудлар чирой очди. Йўлнинг икки ўқасидаги савдо, машиш хизмат, умумий овқатланиш, сервис шохобчалари, бири-биридан кўркам бинолар бу ерда яшовчилар учун катта қулайлик яратди.

Айтиш лозимки, шаҳарни қайта куриш билан боғлиқ тadbirkорлик ёшларнинг таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун мўлжалланган иншоотлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Давлатобод даҳасида ишга туширилган “Камолот боғи”, Амир Темур кўчасидаги



Хосен ПАЙДИЕВ олтган суратлар.

“Кичинтойлар боғи” келажигимиз эгаларининг севимли масканига айланган бўлса, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри биноси, Хотира майдони, Хуррият ва Ибрат кўчалари кесимидаги сайилгоҳ, “Бахт уйи”да олиб борилган бунёдкорлик юмушлари шаҳар чиройига чирой қўшди.

Албатта, ижтимоий соҳадаги ўзгариш ҳамда янгилашларнинг туб замирида иқтисодиёт

ривожига қаратилаётган изчил ислохотлар самаралари мужасам. Шу хизматдан олганда, ислохотлар “Гуллар шаҳри” санаот салоҳияти янги қирраларини очиб юборгани ишлаб чиқаришнинг ҳар жабҳасида кўзга ташланиб турибди. Унинг яқин-яқингача фақат саноқли тўқимачилик корхоналаридан иборат санаотига замонавий, айна пайтда мураккаб технологиялар дади кириб бораёпти. Масалан, “UzChasis” қўшма корхонасида тайёрланаётган автомобил фара ва фонарлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёнги автомобилларнинг кўп қисми билан таъминламоқда. “Махсус металлсаноат” масъулияти чекланган жамиятида эса транспорт воситалари учун газ баллонлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ҳамшаҳарларимизнинг қўли гул, айниқса, хунармандчилик, тикувчилик соҳасига укуви баланд, — дейди “Люкс плюс сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аюбжон Бобомирзаев. — Кичик бизнес ҳамда хусусий тadbirkорлик ривожини яратилган шарт-шароитлар кўл келиб, уларнинг аксарияти ўз бизнесларини йўлга қўйган.

Биласизми, ҳозир истеъмол бозорида қаерда тикилган костюмчиларни кўпроқ харид қилишяпти? Нокамтарликка йўманг-у, албатта, наманганлик чеварлар

Дарҳақиқат, Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини тобора мустақамламоқда. Бу шаҳару кишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораётгани, юртдошларимиз онгу шуури юксалаётганида зоҳир. У жонажон Ватанимизнинг бир бўлағи бўлган Наманганнинг бугунги жамолида ҳам акс этиб турибди.

томонидан тикилганини! Боиси, энг замонавий дизайндаги костюмларимиз яқин вақтгача бозорнинг олди бўлиб келган хорж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Мамлакатимизнинг қайси ҳудудда бўлмасин, йигитлар кувелик либоси учун Наманган костюм-шимларини танлашаётганини эшитиб, фахрланамиз. Бу соҳада энди ички бозордан ташқари, экспортга ҳам чиқилаяпти. Масалан, 137 киши меҳнат қилаётган бизнинг корхонамиз биргина жорий йилнинг биринчи чорағида 50 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотни хоржга сотишга муваффақ бўлди.

Ишлаб чиқаришнинг жадал раванки санаот салоҳиятини ошириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастур, истиқболли лойиҳалар ижроси билан чамбарчас боғлиқ. Маълумотларга қараганда, мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарда 58 та санаот корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, биргина кичик бизнес субъектларининг сони 7100 дан ошиб кетди. Уларда 150 минг киши меҳнат қилаётди. Ишлаб чиқарилаётган санаот маҳсулотларининг 48,7 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўри келмоқда.

— Яқинда вилоят Улқашунослик музейига кирдим, — дейди Наманган транспорт, алоқа ва ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Ҳамдам Мамадалиев. — Экспонатлар билан танишиш чоғида шахримизнинг ўтган асрдаги маънавияти акс этган суратларга кўзим тушди. Кўчалар жуда тор, бинолар ўта гариб бўлган экан. Тўғри, биз у кунларни кўрмаганмиз. Бироқ мустақиллик иншоотлари кўз ўнгимизда қад ростлади ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Бахтимиз шундаки, буюк ўзгаришларга дахлдормиз, уларнинг барчаси бизнинг келажигимиз, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишига қаратилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Юртимизда навбатдаги нуфузли мусобақа — регби-15 бўйича эркаклар ўртасида Осиё чемпионати иккинчи дивизион уйинлари бошланди.

Регби бўйича Осиё чемпионати



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз регби федерацияси ҳамда Осиё регби уюшмаси (ARFU) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнир Тошкент вилоятидаги “Дўстлик” стадионинда бўлиб ўтаётди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда кўп қисми спорт турлари қатори регби ҳам кенг оммаланиб бормоқда. Бунинг учун жамоалари ўртасидаги мамлакат чемпионатларида соғлом рақобат муҳити тобора кучайиб бораётгани, терма жамоаларимиз қўшма мусобақасидаги биринчиликларида мунтазам қатнашиб келаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Хусусан, 2008 йилги Осиё чемпионатида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади. 2012 йили Покистонда регби-7 бўйича қўшма чемпионатнинг этакчи олтига терма

жамоаси ва Ирландия ҳамда Янги Зеландия вакиллари иштирокида уюштирилган халқаро турнирда ҳам спортчиларимиз бронза медалга сазовор бўлди. 2013 йилги регби-7 бўйича йигирма ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги Осиё чемпионати, 2014 йили Жанубий Корейнинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё уйинларида вакилларимиз муносиб қатнашди. Айниқса, 2015 йили Ҳиндистон мезбонлик қилган навбатдаги халқаро турнирда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олгани барчамизни қувонтирди.

Бу галги баҳсларда мамлакатимиз вакиллари БАА, Гуам ва Таиланд терма жамоалари билан куч синашяпти. Яқинда гулибликни қўлга киритган жамоа плей-офда иштирок этиди ҳамда муваффақият қозонган регбичилар биринчи дивизионга кўтарилади.

Венгрияда кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон кубоги мусобақалари якунланди. Дунёнинг олтинчи давлатидан келган спортчилар ўртасидаги беллашувларда ўзбекистонлик аққурашчилар битта олтин ва тўртта бронза медал билан тақдирланди.

Вакилларимиз муваффақияти

Достон Иляшев 60 килограммгача бўлган вазндаги иштирокчилар ўртасида лоу-кик йўналиши бўйича тенгсиз эканлигини исботлаган бўлса, кик-лайт йўналишида бронза медал олди. Шунингдек, Довудбек Ботиров, Отабек Раҳимов, Сардор Собиров учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Теннисчиларимиз кейинги босқичга йўл олишди

Ҳамюртимиз Оқғул Омонмуродова Хитойда бўлиб ўтаётган халқаро теннис турнирини муваффақиятли бошлади.

У дастлабки ўйинда мезбонлар вакили Фанжю Лиуни мағлубиятга учратиб (6:2, 6:3), кейинги босқичга йўл олди. Оқғулнинг навбатдаги рақиби таиландлик Нича Лертпитаксинчаидир. Вакилимиз жуфтликлар йўналишида ҳам шериги Микаела Гонкова (Словакия) билан Юки Шенг (Хитой) ва Линг Жанг (Гонконг) тандемини энгди.

Ўзбекистонлик яна бир истеъдодли ракетка устаси Нигина Абдураимова эса Япония мезбонлик қилаётган нуфузли мусобақадаги дебют ўйинида франциялик Жозефина Боуалем устидан зафар қўчди — 6:4, 7:6. Энди у “Кунчиқар юрт” спортчиси Канае Хисами билан баҳс олиб боради.

Сайджон МАХСУМОВ тайёрлади.

Алланнинг сеҳрли кучи

Нукусда “Онам айтган аллалар” фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш, уларни тарғиб этиш, ёш оналарга алла айтишни ўргатиш, ушбу маросим билан боғлиқ урф-одат ҳамда анъаналарни оммалаштиришда бундай тadbirkорликнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, алла сабаб фарзанд қалбида меҳр-муҳаббат, эзгулик ниш уради.

Фестивалда шаҳар ва туманлардан 11 жамоа иштирок этди. Уларнинг чиқишларини баҳолашда

ФЕСТИВАЛЬ

ижрочилик маҳорати, сахна маданияти ҳамда либосларига алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда Тахтақўпри туманининг “Мерос” фольклор жамоаси

голиб чиқиб, фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, “Энг яхши ижрочи”, “Урф-одат ва анъаналар ижрочиси”, “Оригинал ижро учун”, “Сахна маданияти учун”, “Ижрочилик маҳорати учун” каби йўналишларда ҳам совриндорлар аниқланди.

Дилфуза ҚАРШИБОВА.

Маданий ҳордиқ масканлари

Самарқанд ҳамда Каттақўрган туманларида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Каттақўрган туманидаги ана шундай муассаса биносини реконструкция қилиш ишларига 605 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Айни пайтда замонавий жиҳозлар билан таъминланган ушбу масканда 6 та йўналиш бўйича тўғариқлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан

ташқари, бу ерда студия ҳам мавжуд.

392 миллион сўмдан ортқ маблағ эвазига

ҚУЛАЙЛИК

Самарқанд туманидаги 2-сонли Равонак маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳам барча шарт-шароитга эга бўлди.

— Масканимизда

аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун зарур қулайликлар муҳайи қилинган, — дейди мазкур марказ раҳбари Икром Муродов. — Шу билан бирга, ёшларимиз бу ерда ташкил этилган турли тўғариқларда ўз маҳоратини ошироқда.

Мамадёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА

«TOU Co.LTD» Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси

«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси

маҳсус курилиш техникаларини тақлиф этади.

маҳсус курилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини тақлиф этади.

DOOSAN

www.doosaninfrastructure.uz

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

Савдо бўлими **Сервис хизмати**

Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53. E-mail: doosansales@uztow.com

Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79. E-mail: servicedoosan@uztow.com

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўпай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Махраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6